2009 ЙИЛ, 29 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 20 (11.331) Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«THE KOREA POST» ЖУРНАЛИ ПРЕЗИДЕНТИ-НОШИРИ ЛИ КЁНГ СИКНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга, шунингдек, ўзбек халқининг бой маданий, маънавий ва тарихий меросини, Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни кенг халқаро жамоатчилик орасида фаол тарғиб қилишга қўшган улкан ҳиссаси учун "The Korea Post" журнали Президенти-ношири Ли Кёнг Сик "Дўстлик" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 28 январь

ПОЙТАХТНИНГ *бир куни*

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонасида «Россия болалар адабиёти» мавзуида китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

● **КЕЧА** Успенский номли республика ихтисослашган академик лицейида ёш ижрочиларнинг концерти устозлари эътиборига ҳавола этилди.

● **КЕЧА** Тошкентда ўтказилган «Ёшлар парвози» медиа форуми Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ёшларнинг фахрий педагоглар билан учрашуви ташкил этилди. Унда олимлар томонидан яратилган «Миллий университет мактаблари» деб номланган тўпламнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

● **КЕЧАДАН** пойтахтимизда иш бошлаган бир ҳафталик семинар-тренинг «Барқарор тараққиёт омили» деб номланди.

● **КЕЧАДАН** Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан Ўзбекистон тарихи Давлат музейида бошланган тадбир Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

БУГУНГИ КУНДА ДОЛЗАРБ САНАЛГАН АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА УНИНГ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТ КАСБ ЭТУВЧИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИГА ЮРТИМИЗДА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН. ШУ БОИС БЎЛСА КЕРАККИ, УШБУ СОҲАНИ НАФАҚАТ СОН, БАЛКИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ҲАМ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭРИШИЛМОҚДА.

Тадбиркорлик

БУЮРТМАЛАРНИ КЎПАЙТИРИШМОҚДА

Бу эса ички бозорларимизда ўрнини топаётган ва шунинг барабарида хорижий давлатларга экспорти йўлга қўйилган импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп товарларда ўз аксини топмоқда. Тадбиркорларимиз бозорни ўрганган ҳолда сифатга, маҳсулотнинг қадоқланиш ва безалиш даражасига эътибор билан ёндашмоқдаки, бу харидорларни жалб этмоқда.

Миробод туманида фаолият кўрсатаётган «SABATELLI UNIVERSAL SERVES» хусусий корхонасида ҳам маҳаллий хом ашёдан турли моделдаги аёллар ва эркаклар устки кийим-кечакларини тикиш йўлга қўйилган. Корхона чеварлари маҳсулот тайёрлашда замонавийликка эътибор қаратишмоқда. Ўтган йилда тадбиркорлар харидор талабидан келиб чиққан ҳолда бозорни ўрганиб, табиий чарм ва мўйна хом ашёсини уйғунлаштириб куртка ва пальтолар тайёрлашга ҳам муваффақ бўлишди.

— Сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш бугуннинг асосий талабидир, — дейди хусусий корхона раҳбари Владислав Сабателли. — Бунинг учун эса аввало изланиш, сифатли хом ашё топиш, кадрларни танлаш, яна муҳими, замонавий дастгоҳ ва машиналар зарур бўлади. Шу боис ҳам ҳозирги технологик ускуналаримиздан унумли фойдаланган ҳолда жорий йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш ва асосийси юқори сифатни таъминлаш мақсадида янги тикув дастгоҳлари ўрнатишни режалаб турибмиз. Шунингдек, бизни хом ашё билан таъминловчи трикотаж матолари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни кўзда тутганмиз.

Хусусий фирма тадбиркорлари жорий йилда хилма хил трикотаж ҳамда жинси матолардан либослар тайёрлаб, ички бозорни таъминлашга эришадилар. Бу йўлда улар астойдил саъй-ҳаракатни йил бошидан бошлаб юборишди. Айни пайтда буюртмаларни кўпайтириш, мавсумий либослар тайёрлаш йўлида изланишлар олиб боришмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТДА: хусусий корхона тикувчилари фаолиятидан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

Россия Федерацияси Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи якунлари хориж сиёсий, эксперт ва ишбилармон доиралари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди ҳамда чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

Экспертлар берган баҳолар ва оммавий ахборот воситалари шарҳларида мазкур воқеа Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик мақомидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлида муҳим қадам бўлгани борасидаги фикрлар асосий ўринни эгаллади.

Россиядаги етакчи газета, ахборот агентликлари, теле ва радиоканаллар, интернет-нашрлари Президент Д.Медведевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи жараёнларини тезкорлик билан ёритиб турди. Мамлакатнинг «Биринчи канал», РТР, НТВ, ТВЦ, «Бешинчи канал - Санкт-Петербург» ва бошқа федерал ОАВлари янгиликларнинг ҳар бир сонини Самарқанд, сўнгра эса Тошкентдан олинган хабарлар билан бошлади.

Ахборотларда мазкур воқеа Д.Медведевнинг Ўзбекистонга нафақат президент сифатидаги илк сафари, балки РФ раҳбарининг Марказий Осиё минтақасига биринчи бор амалга оширган кенг кўламли давлат ташрифи ҳам экани ва олий даражадаги бу учрашув узоқ асрлик ўтмишга эга кўҳна Самарқанд заминида икки мамлакат раҳбарларининг норасмий мулоқотидан бошлангани таъкидланади. Ўзбек халқи узоқ даврлар мобайнида асраб-авайлаб келаётган тарихий меъморий обидалар кўрк тўкиб турган ва ўзбекистонликлар учун хос бўлган меҳмондўстлик ва самимийлик руҳи уфуриб турган ушбу шаҳарда ўтган саммитда дўстона муҳит ҳукмрон бўлгани қайд этилди. Репортажлар давомида махсус мухбирлар Самарқанд ва Тошкентдан эфирга чиқиб, муҳокама этилган долзарб масала ва қабул қилинган қарорлар тўғрисида хабар бериб турди.

Оммавий ахборот воситалари ташрифнинг иқтисодий ҳамкорликка оид муҳим жиҳатига эътибор қаратди. Россия Президентига мамлакат ишбилармон доиралари вакилларидан иборат делегация ҳамроҳлик қилгани алоҳида таъкидланди.

«Интерфакс» ахборот агентлиги (Россия) Президент Д.Медведевнинг Россия билан Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлашга оид ҳамкорликни кучайтириши, савдо-иқтисодий алоқалар ҳамда дунё молиявий ва иқтисодий инкирози салбий оқибатларини енгиб ўтиш йўлида биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада фаоллаштириши зарурлиги борасида билдирган фикрларига эътибор қаратади.

«Интерфакс» ахборотларида қайд этилишича, ҳар икки мамлакат етакчилари минтақадаги сиёсий муаммоларни ҳал этиш борасида умумий қарашларга эга. Мазкур йўналишда Афғонистон можароси, шубҳасиз томонлар учун энг жиддий масала бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, «ҳарбий йўл юзага келган муаммога ечим бўла олмайди, зеро мамлакатдаги барча миллат вакиллари манфаатларини эътиборга олиш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни давом эттириш талаб этилади. Москва ва Тошкент Афғонистон можаросини ҳал этиш борасида АҚШ ва НАТО билан ҳамкорликка тайёрдир», дея қайд этилади.

Президент Д.Медведевга Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фахрий доктори унвонининг берилганига тўхталар экан, «Интерфакс» Россия раҳбарининг қуйидаги сўзларини келтиради: «Менга ушбу олий таълим маскани фахрий доктори унвони берилиши нафақат хизматларим эътирофи, балки мамлакатларимиз ўртасидаги алоҳида аҳамиятга молик алоқалар рамзи ҳамдир».

Россия Федерацияси Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифини шарҳлар экан, **СА-NEWS ахборот хизмати** қуйидагиларни қайд этади: «Президентлар Марказий Осиёда сув-энергетика муаммосига оид вазиятни муҳокама этишди. Давлат раҳбарлари минтақадаги трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотларини барпо этиш лойиҳаларини амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига амал қилган ҳолда ушбу сув ҳавзалари оқими йўналишидаги барча мамлакатлар манфаатларини эътиборга олиш зарурлиги тўғрисида келишувга эришдилар».

Россиянинг «REGNUM» ахборот агентлиги ҳам Президент Дмитрий Медведевнинг Россия — Ўзбекистон музокаралари якунларига бағишлаб Тошкентда ўтказилган матбуот анжуманида Марказий Осиё минтақасида гидроэнергетика станцияларини қуриш барча қўшни давлатлар манфаатларини эътиборга олинган ва трансчегаравий дарёлардан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосланган ҳолда амалга оширилиши лозимлиги тўғрисида билдирган фикрларини келтиради. Хабарда жумладан қуйидагилар таъкидланади: «мазкур масалада якка ҳолда йўл тутиб бўлмайди. Зеро, бу ҳеч бир натижа бермайди ёхуд кескинликка олиб келади ва у ҳолда муаммони иқтисодий эмас, балки сиёсий йўл билан ечишга тўғри келади. Можароларни ҳал этишнинг янада хавфлироқ йўналиш ёки усуллари тўғрисида айтмаса ҳам бўлади. Шу боис, гидроэнергетика соҳасидаги ҳамкорлик, у ёки бу буюртмани бажариш тўғрисида сўз борганда, Россия Федерацияси ўз ҳудудида бирон бир иншоотни қуриш истагидаги ҳар бир давлат, аввало ўз қўшнилари билан келишиши, лойиҳанинг экологик жиҳатдан зарарсиз эканини тегишли тарзда тасдиқлаши ва у ёки бу ишнинг тўлақонли буюртмачиси сифатида фаолият юритиши лозимлиги тўғрисидаги талаблардан келиб чиқади.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА САРМОЯВИЙ САЛОҲИЯТИ

КЕЧА ШАҲРИМИЗДА БЎЛИБ ЎТГАН ХАЛҚАРО БИЗНЕС-ФОРУМ УШБУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК РАМЗИ 2200 2009 ТОШКЕНТ

Айтиб ўтиш жоизки, анжуман кенг доирадаги иштирокчиларни биринчи навбатда ўз мавзуси билан қизиқтирган бўлса, шунингдек бу йили халқаро микёсда нишонланадиган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналарни бошлаб берганлиги билан ҳам хорижий меҳмонларнинг эътиборини тортди.

Бизнес-форумни очган Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев юқоридаги фикрларга алоҳида урғу берар экан, хусусан, дўстона ва шерикчилик алоқаларимиз янада кенгайиб бораётгани, форумда ишончли ҳамкорларимиз қаторида янги номлар ҳам кашф этилиб, албатта, улар билан икки томонлама манфаатли ҳамкорлик муносабатларига эришилишига ишонч билдирди.

Шаҳар ҳокимлиги, Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Савдо-саноат палатаси ташкилотчилигида ўтказилган форумда юздан зиёд хорижий компания ва фирмалар, шу жумладан мамлакатимизга илк бор ташриф буюрган ишбилармонлар қатнашди. Бундан ташқари, улар билан ҳамкорликка шайланган кўплаб маҳаллий корхона ва ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Ташкилотчилар томонидан ҳавола этилган кўргазмали ахборотлар орқали иштирокчилар Тошкент шаҳрининг республикамиз иқтисодиётидаги алоҳида ўрни, унинг ҳар томонлама ютуқлари, шунингдек имкониятлари билан танишишга муваффақ бўлишди. Форумда хорижий сармоядорларга кўплаб инвестицион лойиҳалар тавсия этилди, шу жумладан, пойтахтда мавжуд бўлган давлат мулки объектларининг хусусийлаштирилишига улуш қўшишга оид, соҳалар ва тармоқлар негизида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги имкониятлар хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Тадбир мавзуси Халқаро ҳамкорлик марказида ўтказилган алоҳида кичик мажлисларда ҳам кенг ёритилди. Хорижий ишбилармонлар электротехника, кимё, фармацевтика ва тўқимачилик соҳалари бўйича аниқ инвестицион лойиҳалар билан танишишдан ташқари, бевосита шу ернинг ўзида дастлабки музокаралар олиб боришга ҳам эришишди.

Халқаро бизнес-форум доирасида меҳмонлар йирик корхоналар салоҳияти билан ҳам яқиндан танишишди. Шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига ҳамда Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига ҳам ташриф уюштирилди.

И. ЗАЙНУТДИНОВА

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Маълумки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Юртбошимиз томонидан ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, спорт соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар атрофлича таҳлил қилиниб, бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Наманган вилоятида ушбу вазифалар ижросини таъминлаш, болалар спортининг бугуни ва истиқболига доир масалаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

● **Қорақалпоғистон Республикаси Давлат солиқ бошқармасида 2009 йилда солиққа тортиш борасидаги ўзгартишларни оммага етказиш, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни солиқ тўловчиларга ҳамда солиқ хизмати ходимларига тушунтириш бўйича семинар бўлиб ўтди.**

● **Самарқанд Давлат музей-қўриқхонасида «Полонез» поляк миллий-маданий маркази томонидан мамлакатимизда яшаб ижод қилаётган поляк миллатига мансуб рассомлар асарларининг кўргазмаси очилди. Кўргазмага қўйилган 40 дан ортиқ асарнинг ҳар бирида Ватан манзаралари, одамлар қиёфаси акс эттирилган.**

● **Самарқанд вилоятида 2008 йилда саноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, соҳага замонавий технологияларни жорий этиш мақсадида 54,5 миллион АҚШ долларига яқин инвестиция киритилди.**

● **Республика Байналмилал маданият марказида Хитойнинг кейинги йилларда эришган муваффақиятларига бағишланган фотокўргазма очилди. Ушбу тадбир Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Тошкент шаҳар Хитой ва Дунган миллий-маданий марказлари билан ҳамкорликда ташкил этилди. Кўргазманинг очилишидан сўнг Хитой маданият маркази артистлари иштирокида концерт бўлиб ўтди.**

● **Санкт-Петербургдан Фарғонага доимий ҳаво рейслари очилди. Эндиликда пайшанба кунлари ушбу рейс бўйлаб «Россия» ГТК авиакомпаниясининг А-320 «Эрбас индастри» замонавий ҳаво кемаси парвозларни амалга оширмоқда.**

ЖАҲОНДА

● **Кеча Швейцариянинг Давос шаҳрида 43 мамлакатнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, юзта давлатдан йирик тадбиркорлар ва банкирлар иштирокида жаҳондаги глобал иқтисодий инқироздан чиқиш йўлларини муҳокама қилиш мақсадида уюштирилаётган Бутунжаҳон иқтисодий форум ўз ишини бошлади. Уни Россия Бош вазири Владимир Путин очди.**

● **Кеча Куба Давлат Кенгаши раҳбари Раул Кастро бир ҳафталик ташриф билан илк бор Россияга келди. Ташриф давомида ҳар иккала мамлакат ўртасида энергетика, туризм ва ҳарбий-техник соҳаларда ҳамкорлик юзасидан бир нечта битимлар имзоланиши кўзда тутилмоқда.**

● **Мамлакат Олий Радаси спикери Владимир Литвиннинг маълумотига кўра, 2010 йил 17 январда Украинада Президент сайловларини ўтказиш белгиланди. Литвиннинг таъкидлашича, бу ҳақда Украина Президенти В.Ющенко ва ҳукумат раиси Ю.Тимошенко билан ўзаро келишиб олинган.**

● **Бугун Франциядаги хусусий ва давлатга қарашли қатор ташкилотлар ишчилари оммавий равишда иш ташладилар. Меҳнаткашлар ҳукуматдан иш ўринларини сақлаб қолиш, маошни қисқартирмаслик, пулнинг харид қимматини ўстириш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш ва хизмат кўрсатиш тармоғини қўллаб-қувватлашни талаб қилмоқдалар. Иш ташлаш ташаббуси мамлакатнинг саккизта йирик касаба уюшмалари томонидан илгари сурилди.**

● **Япония ҳукумати мамлакатдаги жаҳон иқтисодий инқирозидан зарар кўрган компанияларга 16,7 миллиард долларлик ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қилди. Жумладан, мамлакатда кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлашга доир режага мувофиқ Японияннинг давлат банклари инқироз туфайли банкротлик хавф солаётган компанияларнинг акцияларини сотиб оладилар.**

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

(Давоми.Боши 1-бетда).

Акс ҳолда юзага келган муаммоларни иқтисодий эмас, балки сиёсий ёндашув билан ҳал қилишга тўғри келади. Мазкур масалага барча манфаатдор томонлар коллегиал асосда ечим топмоғи лозим.

«Российская газета» нашри газ саноати соҳасидаги стратегик ҳамкорлик 2002 йилда, яъни «Газпром»нинг Ўзбекистон газини узоқ муддат харид қилиши, хом ашёни биргаликда қазиб олиш ва газ-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисидаги келишув имзоланиши билан бошланганини қайд этади. «Жорий йилдан эътиборан эса икки мамлакат ушбу ёнилғи тури савдосида бозор нархларини шакллантиришга ўтди. Президент Д.Медведев бу бошқа йўналишларда ҳам бизнинг мазкур босқичга ўтганлигимизни ҳисобга олган ҳолда олға силжишимиз мумкин эканининг белгиси эканини таъкидлади», деб ёзади «Российская газета».

Икки давлатнинг ўзаро манфаатлари фақат энергетика соҳаси билангина чекланмайди. Газета Д.Медведевнинг «биз ўзаро алоқалар ривожида бугунги кун талабидаги йўналишларни излашимиз лозим. Шу маънода мен ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни муҳим деб биламан. Айни пайтда самара бериши мумкин бўлган ҳар қандай лойиҳа талаб этилмоғи даркор», деган сўзларини келтиради.

«Росбалт» ахборот агентлиги хабарида эса Россия раҳбарининг «давлатларимиз нафақат иқтисодий, балки гуманитар соҳадаги ҳамкорликка ҳам эътибор қаратиши лозим. Уларни тарихий истиқболда бизни боғлаб турувчи муҳим масалалардан деб биламан. Бунда мен миллий тил ва маданий ўзига хосликни қўллаб-қувватлашни назарда тутаяпман», деган сўзлари акс этди.

«Взгляд» ишбилармонлар газетаси (Россия) Ўзбекистон Россия билан хавфсизликни таъминлаш борасидаги ҳамкорликни юксак даражада баҳолашини ва РФ Президенти ташрифи бу соҳа ривожига яна бир бор муносиб ҳисса қўшганини қайд этади.

Нашр Президент Ислом Каримовнинг Марказий Осиёда хавфсизлик масалалари, хусусан, Афғонистон муаммоси минтақа мамлакатлари иштирокида ҳал этилиши зарурлиги борасидаги фикрини алоҳида таъкидлайди. Шу муносабат билан газета давлатимиз раҳбарининг «Биз АҚШ Президенти Барак Обама томонидан таклиф этилган ёндашувларни қўллаб-қувватлаймиз. Бироқ, биз аввало уларнинг натижасини кўришни истардик. Бунга эса минтақа мамлакатлари иштирокисиз эришиб бўлмайди», деган сўзларини келтиради.

Италиянинг «Вирджилио» ахборот агентлиги хабарида айтилишича, «олий даражада ўтган бу учрашувлар икки томонлама алоқаларнинг янада ривожланиши ҳамда шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари асосидаги конструктив мулоқотга ҳисса қўшиши шубҳасиздир». Шунингдек, ахборотда икки давлат раҳбарларининг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масаласига мутаносиблик билан ёндашаётгани, минтақавий (Шанҳай ҳамкорлик ташкилоти, Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти) ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликка, ўзаро товар айланмаси ва энергетика, фуқаро авиацияси, транспорт ва тоғ-кон саноати соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларнинг кенгайтирилаётганига алоҳида эътибор қаратилади.

«Рейтер» ахборот агентлиги (Буюк Британия) эса Тошкент учрашувларининг иқтисодий йўналишдаги алоқаларга оид жиҳатларига урғу беради. Жумладан, агентлик хабарида президентлар — Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев ўртасида энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича ўтган музокаралар самарали бўлгани таъкидланади.

«Ўзбекистон Марказий Осиё энергетик тизимида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу ўринда мамлакат истиқболли, бироқ ҳали ўзлаштирилмаган газ заҳираларига эгадир», дейилади «Рейтер» ахборотида.

Хитой халқаро радиоси тарқатган хабарда эса «РФ Президенти Д. Медведев музокаралар якуни бўйича Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик шериклик икки мамлакат умумий манфаатлари ва ўзаро ишончига асосланишини маълум қилди» деб қайд этилади.

Хитойдаги етакчи газеталардан бири — **«Жэньминь Жибао»** ахборотида қуйидаги сўзлар келтирилади: «сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Россия ўзаро ҳамкорликнинг юксак даражасига эришиб, қарийб барча соҳаларда икки томонлама муносабатлар ривожининг барқарор суръатларини намоён этмоқда. Мазкур алоқалар халқлар ўртасидаги кўп асрлик тарихий ва анъанавий дўстлик ришталарига асосланади». Нашрда таъкидланишича, РФ Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки давлатнинг халқаро муаммоларга ёндашуви яқин экани ўз тасдиғини топди. «Дунё сиёсати асосий масалалари, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазият борасида Россия билан Ўзбекистон нуқтаи назари бир-бирига мос ва ўхшашдир», - дейилади хабарда.

Газета давлатларнинг халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар ноқонуний савдоси ва бошқа шу каби минтақавий ва халқаро хавфсизликка бўлган таҳдидларга қарши кураштаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш истагида эканини ҳам қайд этади. «Президентлар Афғонистонда вазиятнинг мураккаблигича қолаётганидан, ушбу мамлакат ҳудудидан тарқалаётган хавф кўламидан, жумладан, наркотик воситаларнинг катта миқдорда кириб келишидан ташвишда эканликларини билдиришди», деб ёзади «Жэньминь Жибао».

Эронда инглиз тилида чоп этиладиган **«Tehran Times» газетаси** РФ Президенти Д.Медведев Афғонистондаги можарога унга қўшни бўлган давлатлар билан ечим излаш лозимлиги борасида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусни қўллаб-қувватлаганига ўқувчилар эътиборини қаратади.

Саудия Арабистонининг «Ал-Ватан» нашри, Тошкент билан Москва янги сайланган АҚШ президенти Б.Обаманинг афғон муаммосини ҳал этиш юзасидан билдирган таклифини зўр қизиқиш билан қарши олганини қайд этади.

Бахрайн ахборот агентлиги (БАА) хабарида Ўзбекистон ва Россия президентларининг Афғонистондаги инқирозга ечим топиш, терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айлантирилишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш бўйича барча манфаатдор мамлакатлар, жумладан АҚШ иштирокида янги механизмларни ишлаб чиқишга тайёр экани таъкидланади.

РФ Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи юзасидан жаҳондаги бошқа етакчи оммавий ахборот воситалари, хусусан «Вашингтон Пост» газетаси, «Ассошиэйтед Пресс», «Би-Би-Си», «Новости» ва «Синьхуа» каби ахборот агентликлари ҳам ўз шарҳларини эълон қилди.

Исломобод сиёсий тадқиқотлар институти етакчи эксперти, доктор Аҳмад Рашид Маликнинг фикрича, «Россия Президенти Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган мулоқотнинг мантиқий давомидир. Сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий-техникавий соҳаларда иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш, икки давлатнинг минтақавий тузилмалар доирасидаги ҳамкорлиги уларнинг манфаатлари эътиборга олинган ҳолда минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир».

Покистонлик олим «Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки томонлама алоқаларда иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратиб, ўзаро манфаатли бозор муносабатларига ўтаётганликлари» ижобий аҳамият касб этади деб ҳисобламоқда. Унинг таъкидлашича, «минтақада сув заҳираларидан фойдаланиш масаласидаги нуқтаи назарини Россия томонидан қўллаб-қувватлангани Ўзбекистон учун муҳим натижа бўлди. Зеро бу Марказий Осиёда барқарорликни таъминлаш ва ўзаро келишмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилади».

«Жаҳон» АА

Иқтисодиёт

БОЗОРДА ЎЗ ЎРНИ БОР

СИФАТЛИ ВА ХАРИДОР ТАЛАБИГА ТЎЛИҚ ЖАВОБ БЕРАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР АЛБАТТА, БОЗОРДА ЎРИН ТОПАДИ. ШУ БОИС ҲАМ БУГУНГИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АСОСАН СИФАТ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИККА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМ.

«MAKIS BARAKA» масъулияти чекланган жамиятида меҳнат қилаётган тадбиркорлар аввало маҳсулот тайёрлашда керак бўладиган хом ашё сифатига эътибор қаратишади. Бундай хом ашёдан эса Италия технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда 20 хилдан зиёд юқори сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Бу борада уларга хорижий технологик линиялар қўл келмоқдаки, макаронларни тайёрлаш ва қадоқлашда дастгоҳлардан маҳорат билан фойдаланилмоқда.

— Маҳсулотларимиз сертификатланган ва уларни тайёрлашда Европа стандартлари даражасига эришишга интиламиз, — дейди корхона раҳбари Нурилла Содиқов. — Ҳам ички, ҳам ташқи бозорни ўрганиш учун маркетинг ишларини яхши йўлга қўйганмиз. Товарларимизни Республикамизнинг барча вилоятларидаги харидорларга етказиб беряпмиз. Асосий мақсадимиз ички бозорни юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга, халқимиз дастурхони тўкин бўлишига ҳисса қўшишдир. Бунинг учун эса юртимизда тадбиркорлик ривожи учун яратилган барча шарт-шароитлардан, берилган имтиёз ва кафолатлардан оқилона фойдаланишга интиляпмиз. Юксак унумли дастгоҳ ва ускуналарни ишлаб чиқаришга жорий этяпмиз, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, буюртмаларни вақтида адо этяпмиз. Яна маҳсулот турларини кўпайтириш, янги йўналишларда ишлаш бўйича режаларимиз ҳам бор.

Ўтган йилни муваффақиятли якунлаган жамоа аҳли ўз маҳсулотлари билан кўплаб ярмарка ва халқаро кўргазмаларда иштирок этди ва эътирофларга сазовор бўлди. Айни кунларда эса тадбиркорлар Италия ва Хитой давлатларидан янги технологик ускуналарни келтириб, қўшимча цехлар очиш ва маҳсулотларнинг бозорбоп турларини кўпайтиришга саъй-ҳаракат қилишмоқда.

ХАРИДОРГИРЛИГИ ОРТМОҚДА

ШУНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, БОЗОРЛАРИМИЗ ВА САВДО ДЎКОНЛАРИМИЗ БУГУНГИ КУНДА МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН СИФАТЛИ ҲАМДА БЕЖИРИМ ҚАДОҚЛАНГАН ТОВАРЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛМОҚДА. МУҲИМИ, МАЗКУР МАҲСУЛОТЛАР ЧЕТНИКИДАН АСЛО ҚОЛИШМАЙДИ.

«Х.Т Аброров» кичик корхонасида маҳаллий хом ашё — гўштни қайта ишлаш асосида Россия дастгоҳларида тайёрланаётган колбаса ва сосиска маҳсулотлари сифати, қадоқланиши, мазаси билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Хусусий тадбиркорликни, аввало бир нечта ишчи кучини жалб этган ҳолда бозорни ўрганиб 7-8 хил гўшт ва колбаса маҳсулотлари тайёрлашдан бошлаганман, — дейди кичик корхона раҳбари Убайдулла Аброров. — Маҳсулотларимизни талабларни ўрганган ҳолда кўпайтирганимиз сайин ишчиларимиз сони ҳам ўсди. Ҳозирги пайтда 10 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган цехимизда маҳсулотларимиз тури 30 хилдан ортиб кетди. Улар орасида дудланган, ярим дудланган, қайнатиб пиширилган колбаса турлари бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос таъми бор. Харидор эҳтиёжидан келиб чиқиб уларни хилма-хил ҳажмда тайёрлаяпмиз. Хом ашёни Жиззах вилоятидаги фермер хўжаликларидан шартнома асосида оламиз.

Кичик цехда йилига 15-20 тонна маҳсулот тайёрлаш имконияти мавжуд бўлиб, келгусида унинг қувватини янада ошириш кўзда тутилган. Бунинг учун Австралиядан гўштни қайта ишлаш ва қадоқлаш технологик линиясини келтириш режалаштирилмоқда. Албатта, харидорларга қулайлик яратиш мақсадида фирма дўкони ҳам очилади. Ҳозирда эса хусусий тадбиркор раҳбарлигида ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг маҳсулотлар пойтахтимиз ва республикамиз вилоятларидаги 40 дан зиёд савдо шохобчалари орқали харидорларга етказиб берилмоқда. Асосий мақсад эса маҳсулотнинг сифатли, ҳалол, ҳаммабоп турларини кўпайтириш йўлида изланишлар олиб бориш ва ички бозорда муносиб ўрин эгаллашдир.

ХИЛМА-ХИЛ ШИРИНЛИКЛАР

МАЗАЛИ, СИФАТЛИ, ХАРИДОР ДИД ВА ЭҲТИЁЖИГА ЯРАША ҚАДОҚЛАНГАН ХИЛМА-ХИЛ ҚАНДОЛАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТУРИ КЎПАЙИБ, СИФАТИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.

Бундай маҳсулотларни тайёрлашда асосан маҳаллий хом ашё қўл келаётган бўлса, илғор технологияларни қўллаш, унумли дастгоҳ ва ускуналар қувватидан фойдаланиш уларнинг сифатини оширмоқда.

— Аввалига бир неча турдаги ширин печеньелар тайёрлаш билан иш бошлаган бўлсак, — дейди «Илват» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шуҳрат Алимов, — секин-аста талаб ва таклифлардан келиб чиқиб, бозорни ўрганиб харидоргир турларини кўпайтириб боряпмиз. Шу боис ҳам айни кунда уларнинг тури 25 хилдан ортиқни ташкил этмоқда.

Ўтган йилда Россиядан келтирилган дастгоҳларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижасида қандолат маҳсулотларининг бир нечта янги турлари харидорларга тортиқ этилди. Улар орасида сутли печенье, чак-чак ва бошқа ширинликлар бор.

Бугунги кунда корхона тадбиркорлари ҳамшаҳарларимиз дастурхонини нафақат қандолат маҳсулотлари, балки бир неча турдаги ярим тайёр таомлар тайёрлаб тўлдириш ниятида янги йўналишлар очишга интилишмоқда.

Шарофат БАҲРОМОВА

МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИНГ ДАСТЛАБКИ КУНЛАРИДАНОҚ, ҲУКУМАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЕЛАЖАГИМИЗ ЭГАЛАРИ БЎЛГАН ЁШ АВЛОДГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИБ КЕЛИНМОҚДА. БУНИ ЖАМИЯТИМИЗНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ — ОИЛАЛАРГА КЎРСАТИЛАЁТГАН ҒАМХЎРЛИКДА ҲАМ КЎРИШИМИЗ МУМКИН. БУ БЕЖИЗГА ЭМАС. ЗОТАН, МИЛЛАТНИ, НАСЛЛАРНИ ДАВОМ ЭТТИРАДИГАН СОҒЛОМ АВЛОД БАРЧАМИЗ УЧУН МУҚАДДАС БЎЛГАН ОИЛАДА ДУНЁГА КЕЛАДИ ВА КАМОЛ ТОПАДИ.

Фармон ижроси йўлида

ЁШ ОИЛАЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳам жамиятимизда соғлом ва барқарор оилани камол топтириш борасидаги интилишларни амалда яна бир бор кўрсатди. Мазкур Фармон юртимиз аҳли учун бу борадаги ислоҳотларининг узвий давомийлигининг яна бир маҳсулидир. Чунки бу хайрли ҳаракат истиқлолнинг дастлабки йилидаёқ бошланган бўлиб, 1991-1992 йилларда Ўзбекистонда ёш оилаларни ўтиш даври қийинчиликларидан муҳофаза этиш мақсадида уларнинг мебель ва бошқа зарурий анжомларни харид қилишларига доир бир қанча имтиёзлар белгиланган эди.

Дарҳақиқат, мустақил ҳаётга энди кириб келаётган ёш оила дастлабки даврда кундалик турмушнинг турли қийинчиликларига дуч келиши табиий. Унинг «оила» деган мустақил, мўъжаз жамиятда ўрин тутиб кетиши осон кечмайди. Бунинг учун ёш оила маълум имтиёз ва маънавий-моддий рағбатга ўзида эҳтиёж сезади. Шу маънода Фармонда юксак оилапарварлик ва одамийлик намунаси мужассам, десак ўринли бўлади. Ушбу Фармонда ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ёки қуриш учун ипотека ва истеъмол кредитлари олиш учун зарур шарт-шароитлар яратилиши белгиланган. Унда фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонали уйлардаги бўш турган хоналар негизида оилавий ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда бериладиган квартиралар ташкил этилиши ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга, уй хўжалигини йўлга қўйишга кўмаклашади, дея қайд этилади.

Қолаверса, республикамизнинг ҳар бир ҳудудидаги ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка жалб қилиш, ёш оилаларга микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш борасида ҳамда ёшларнинг бундай имтиёзлардан фойдаланишига оид тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилган.

Бундай эзгуликлар ёшларнинг Ватанга муҳаббати, садоқат ва қадриятларимизга ҳурматини янада оширади. Қолаверса, ўсиб келаётган соғлом ва баркамол авлод ҳамда ёш оилалар мамлакатимизда нечоғли эътиборда эканлигидан далолат беради.

Дилдора КУРБОНОВА,
Яккасарой туман 1-сонли Давлат нотариал идораси нотариуси

МАЛАЙЗИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФ БУЮРГАН МАЛАЙЗИЯНИНГ ПЕРЛИС ВИЛОЯТИ РЕГЕНТИ, ПЕРЛИС УНИВЕРСИТЕТИ РАИСИ ТУАНКУ САЙД ФАЙЗУДДИН ПУТРА ТУАНКУ САЙД СИРОЖУДДИН ЖАМАЛУЛЛАЙЛ ЗОТИ ОЛИЙЛАРИ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИДА МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ.

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда, жумладан, фан-таълим жабҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида таълим соҳасидаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, хусусан, мамлакатимизнинг тегишли олий таълим муассасалари билан Перлис университети ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

— Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани ва бу борада ҳавас қилса арзигулик натижаларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, – деди делегация раҳбари. – Ўзаро маслаҳатлашиш ва тажриба алмашиш икки томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатингиз билан таълим тизимидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Музокара якунида Тошкент давлат техника университети ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети билан Перлис университети ўртасида, Тошкент тиббиёт академияси билан Малайзиянинг Альянц тиббиёт фанлари коллежи ўртасида ҳамкорликка оид ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

ЎзА

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

ПОЙТАХТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОДАВЛАТ ЭЛЕКТРОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИГА БАҒИШЛАНГАН ФОРУМ БЎЛИБ ЎТДИ.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари дастурлари таҳлил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарлари А.Шодмонов, И.Саифназаров, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, Республика маънавият тарғибот маркази раҳбари М.Ҳожиматов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар навқирон авлоднинг соғлом ва баркамол, юксак маънавиятли инсонлар бўлиб вояга етиши, замонавий билим ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши учун кенг шароит яратишдек эзгу мақсадга йўналтирилганини таъкидладилар.

Бугунги глобаллашув жараёнларида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса ёшларга холис ва ҳаққоний етказиш, йигит-қизларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳам фаол иштирок этаётир. Ўтган вақт мобайнида ассоциация томонидан бир қатор ижтимоий лойиҳалар, грант дастурларининг жорий этилиши Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги нодавлат телерадиостанциялар, ижодий студиялар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришларнинг савиясини юксалтириш, ижодкорларни ҳар томонлама рағбатлантириш, ёш журналист кадрларнинг касб малака ва маҳоратини ошириш имконини берди.

Айни пайтда долзарб мавзулардаги конференция, давра суҳбатлари, назарий, амалий ва интерфаол услубдаги семинарлар, ўқув машғулотлари, маҳорат сабоқлари журналистлар ва техник ходимларнинг билим доирасини кенгайтириш, ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, соҳадаги илғор иш тажрибасини оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Форумда ғоялар кураши давом этаётган бугунги мураккаб глобаллашув шароитида йигит-қизларни миллий менталитетимизга ёт зарарли ғоя ва таъсирлардан асраб-авайлаш мақсадида нодавлат телерадиостанциялар томонидан тайёрланаётган материалларни мазмунан янада бойитиш, таъсир кучини, сифатини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ОЛИМ ХОТИРАСИ ЭЪЗОЗДА

ЁШЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТ, ПУХТА БИЛИМ, ЭЗГУ ҒОЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЮРИТАЁТГАН ИЗЧИЛ СИЁСАТНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИДАНДИР. БУ БОРАДА МИЛЛИЙ АДАБИЁТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН АДИБЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов номи ана шундай ижодкорлар қаторида алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 1-академик лицейда олим таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий кечада шу ҳақда гап борди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Озод Шарафиддиновнинг 80 йиллиги кенг нишонланиши Ватанимизнинг фидойи фарзандлари хотирасига бўлган чексиз эҳтиромнинг яна бир ифодасидир. Олим юбилейи муносабати билан юртдошларимиз, айниқса, ёшлар унинг ҳаёт йўлини, бой ижодини қайтадан ўрганмоқда.

Тадбирда Озод Шарафиддиновнинг асарлари, жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилган таржималарининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги аҳамияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

ЎзА

Ватан хизматига отланганлар

ҚАТЪИЙ МАҚСАД — ИЛҒОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

ЮРТБОШИМИЗ РАҲНАМОЛИГИДА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР ОФИЦЕР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШГА БЎЛГАН ЭЪТИБОРНИ, ТАЛАБНИ ОШИРМОҚДА. ЮРТИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ОЛИЙ ҲАРБИЙ БИЛИМ ЮРТЛАРИ ЭСА АСЛ ПРОФЕССИОНАЛ БЎЛГАН, МАЛАКАЛИ ВА БОЙ ТАЖРИБАГА ЭГА ОФИЦЕРЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ БЕРМОҚДА. БУ ЕРДА ТАҲСИЛ ОЛИБ ЧИҚҚАН ОФИЦЕРЛАР ЎЗ ЎРНИДА ҚЎЛ ОСТИДАГИ ПОСБОНЛАРНИ ҲАМ ЎЗЛАРИ КАБИ БИЛИМЛИ ВА БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШМОҚДА.

Бугун биз ўз соҳаси бўйича кўплаб ютуқларга эришиб, ўқув жараёнларида, жисмоний, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда катта маҳоратга эга эканликларини намоён қилиб, сафдошларига ўрнак бўлиб келаётган Дилшод Рустамов ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети курсанти Баҳром Шоматовлар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Дилшод ёшлигида мусиқага меҳр қўйди. Шу билан бирга спортнинг енгил атлетика тури билан шуғуллана бошлади. Аммо оиладаги муҳит унинг қалбида ҳарбийликка бўлган ҳавас ва қизиқишни уйғотди.

— Мактабда ўқиб юрган кезларимда, адашмасам, 8-синфдалигимда ҳарбийлик касбига ҳавас пайдо бўлди. Бунга асосий сабаб, отам офицер Фарҳод Рустамовнинг шарафли соҳада фаолият юритиши бўлса, ажабмас. Шу кундан бошлаб, оиламдагилар ҳам, ўзим ҳам руҳан шунга тайёрлана бошладим. Айниқса, бундай қароримни эшитиб, отамнинг қувончи чексиз эди, — дейди курсант Рустамов ёшлигини эслаб.

Ҳа, ўз орзусига эришган йигит, отаси изидан бориб, офицерлик касбини танлади. Бугун у билим юртининг илғор курсантларидан бири. 4-курсда таҳсил олаётган Дилшод назарий ва амалий машғулотларда устоз-офицерлардан олаётган сабоқлари асосида билим ва тажрибасини мустаҳкамлаб, келажакда ўз соҳасининг муносиб эгаси бўлиш йўлида ўқиб, изланмоқда.

— Бу курсантдаги тиришқоқлик, билимга бўлган ташналикни кўриб қувонасан, — дейди офицер Туйғун Тошев. — Шунингдек, у турли маданий ва маърифий тадбирларда ҳам фаоллардан бири ҳисобланади. Унинг соҳа билимларини пухта эгаллашга бўлган интилишларини кузатиб, келгусида ҳар томонлама шаклланган етук офицер бўлиб камол топишига ишонаман.

Яна бир қаҳрамонимиз курсант Баҳром Шоматов билим юртининг радио-алоқа йўналиши бўйича таҳсил олиб келмоқда. У академик лицейда ўқиб юрган кезларидаёқ, келажакда ҳарбийликда фаолият юритишни мақсад қилган эди. Шу боис лицейни аъло баҳоларда тугатган ўғлон, ҳужжатларини ҳеч иккиланмасдан ушбу факультетга топширди. Табиий фанларга ихтисослашган лицейни тугатган Баҳром учун тест синовлари унчалик мураккаблик туғдирмади. Барча синовлардан юқори натижаларни қайд этган йигитга курсантлик либосини кийиш насиб этди.

— Мана, ўқишимнинг ҳам бешинчи йили ортда қолмоқда, — дейди у. — Шу давр мобайнида соҳам бўйича керакли билимларни пухта ўзлаштиришга интилдим. Билим юртида биз курсантлар учун яратилган шарт-шароитлар мукаммал билим олишимизга, ўқиб-изланишимизга катта замин яратмоқда. Ҳадемай Қуролли Кучларимиз сафларида офицерлик фаолиятимизни бошлаймиз. Хизмат мобайнида билим юртида олган назарий билимларимизни амалий машқларда мустаҳкамлаб, тажриба ва маҳоратимизни ошириб, юртга муносиб посбон бўлишга ҳаракат қиламиз.

— Дарҳақиқат, Баҳром билим юртининг энг намунали курсантларидан. Машғулотлардаги фаоллиги, жисмонан етуклиги сабаб доимо илғорлар сафида. Интеллектуал салоҳияти юқори бўлган курсант «Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси» ва спорт бўйича эришган ютуқлари учун «Ҳарбий спортчи» кўкрак нишонлари, шунингдек, «Шижоат майдони»даги фаол иштироки боис, 1-даражали диплом билан тақдирланган. Ус-

тозлари офицерлар — Ўткир Баҳромов, Акмал Қосимов, Шодмон Ҳасановлар курсант Шоматов ҳақида фахр билан гапиришади.

Профессионал асосда шаклланиб бораётган миллий армиямиз сафларида курсантлар Дилшод Рустамов ва Баҳром Шоматов каби юрт ҳимоячилари талайгина. Улар Ватан ҳимояси, халқ осойишталиги йўлида ўз билим ва маҳоратларини ишга солиб, муносиб хизмат қилишни олий мақсад қилганлар. Ишончимиз комилки, бу икки қаҳрамонимиз билим юртини намунали тугатишиб, Қуролли Кучларимиз сафларида самарали хизмат қилишиб, тинчлигимиз ва сарҳадларимиз осойишталиги йўлида камарбаста бўладилар.

Ахрор ОЧИЛОВ

ПОЙТАХТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЎРНИГА БАҒИШЛАНГАН КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ДАВР

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Журналистлар ижодий уюшмаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ва олимлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири А.Эшонхўжаев, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Х.Дўстмуҳамедов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда барча жабҳаларда изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар Ватанимиз тараққиётида, аҳоли фаровонлигининг тобора ошиб бораётганида, қишлоқ ва шаҳарларимиз янгича қиёфа касб этаётганида ўзининг ёрқин ифодасини топаётганини таъкидладилар.

Ислоҳотлар бераётган юксак самараларни фаол ёритиш баробарида юртимизда рўй бераётган демократик жараёнларда, халқимиз маънавиятининг янада юксалиши, сиёсий ва ижтимоий фаоллигининг ошиши, ҳамюртларимиз, айниқса, ёшларнинг қатъий фуқаролик позициясига эга бўлишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш масаласи доимий эътиборда. Айни пайтда шиддат билан ўзгараётган замон журналистлардан рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга чуқурроқ ёндашишни, давр билан мунтазам равишда ҳамнафасликни талаб этмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди бу борадаги вазифаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшаётир. Жумладан, фонднинг ёш журналистларни қўллаб-қувватлаш, касб маҳоратини ошириш, даврий нашрларга моддий ва техник кўмаклашиш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид лойиҳалари шулар жумласидандир.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

СОЛИҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА 2008 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН КУЧГА КИРГАН ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИДА КЎЗДА ТУТИЛГАН МЕЪЁР ВА ҚОИДАЛАР, АВВАЛО, СОЛИҚ ТИЗИМИ ВА СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИНИ УНИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ БАРҚАРОР ВА МУТАНОСИБ РИВОЖЛАНТИРИШДА СОЛИҚЛАРНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Пойтахтимизда солиқ қонунчилигига бағишлаб ўтказилган кўргазмали семинар айни шу масалага бағишланди. Тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида ўтган тадбирда соҳага оид янгиликлар ва уларнинг аҳамияти хусусида батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси раиси Б.Парпиев мамлакатимиз солиқ тизими самарадорлигини оширишда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 29 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори ҳамда жорий йил 1 январдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

Солиқ қонунчилигини янада соддалаштириш ва либераллаштиришга қаратилган мазкур қонун Солиқ кодексининг бевосита ҳужжат сифатида амал қилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳужжат айрим зиддиятли нормаларни ва уларнинг ҳар хил талқин этилишига чек қўяди. Жумладан, Кодекснинг 155-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинган кредитлардан лизинг компанияларининг оладиган даромадлари солиққа тортилмайди.

Қонунда қишлоқ хўжалиги соҳасига оид имтиёз ва преференцияларга ҳам катта эътибор қаратилган. Таъкидлаш керакки, фермер хўжаликларининг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашдаги ўрни беқиёс. Солиқ имтиёзларини бериш ва солиқ юкини камайтириш фермер ва деҳқонларнинг оладиган даромадлари янада ошишига хизмат қилади. Янги ўзгартишга кўра, деҳқон хўжаликлари учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари миқдори 2 баробарга камайтирилди. Деҳқон хўжаликларининг аъзолари суғурта бадалларини ихтиёрийлик асосида йилига энг кам иш ҳақининг тўрт ярим бараваридан кам бўлмаган миқдорда тўлайди. Бундай имтиёзлар уларга замонавий жиҳозлар ва мини-технологиялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириб, қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришга йўл очади.

Солиқ кодексининг 171-моддасига киритилтан қўшимча юридик шахслар томонидан ходимларнинг ишлаши учун қулай шарт-шароит яратишни рағбатлантиришга қаратилган. Хусусан, ходимларига бериладиган йўл карточкалари қиймати, айрим компенсация тўловлари ва ходимларни ўқитиш бўйича тўланадиган тўловлар жисмоний шахсларнинг шахсий даромади сифатида қаралмайдиган бўлди. Яъни, ушбу манбалар солиқ солиш базасидан чегириб ташланади.

Бугунги кунда кредит уюшмалари тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Микрокредит ташкилотлари салоҳиятини мустаҳкамлашда аҳолининг эркин пул маблағларини жалб қилиш муҳим ўрин тутади. Кодекснинг 179-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, депозит сертификатлари, давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар, шунингдек, банклар ва кредит уюшмаларидаги омонатлар бўйича фоизлар ҳамда ютуқлар солиқдан озод қилинади. Зеро, мутахассислар фикрича, кредит уюшмаларининг ролини кучайтириш нафақат аҳолининг бўш пул маблағларини ҳаракатга келтириш, балки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва шу орқали аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Анжуманда тадбиркорларга бу борадаги янгиликлар ва 2009 йил учун макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда давлат бюджети параметрлари билан боғлиқ ўзгаришлар юзасидан батафсил маълумот берилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

РЕЖАЛИ ИШЛАР АСОСИДА

ЧИЛОНЗОР ДАҲАСИ, 8-МАВЗЕДА ЖОЙЛАШГАН БЕШТА КЎП ҚАВАТЛИ УЙНИ ЎЗ ТАСАРРУФИГА ОЛГАН «ЯНГИ ҚАТОРТОЛ КОММУНАЛЧИ» ШИРКАТИ ФАОЛИЯТИ НАМУНАЛИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛГАН БЎЛИБ, МАНА ИККИ ЙИЛДИРКИ, АҲОЛИНИНГ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРДАН ҚАРЗИ ЙЎҚ.

— Ширкатимиз таркибига 8-мавзедаги 28,29,30,31 ва 6«а» уйлар киради. — Асосий эътиборни уйларни ва ён-атрофларни ободонлаштириш ва орасталаш ишларига қаратамиз, — дейди «Янги Қатортол коммуналчи» ширкати раиси Саодат Хоналиева. — Масалан, фақат ўтган 2008 йилнинг ўзида уйларимиз атрофига 300 туп атиргул, кўплаб арча кўчатларини ўтқаздик. Ширкатимиз таркибидаги барча уйлар йўлакларига темир эшиклар ўрнатилган, ойналарнинг барчаси бутун, ертўлалар ораста. Аҳолининг коммунал тўловлардан қарзи йўқлиги ва ободонлаштириш ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги сабабли ўтган йили «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти Тошкент шаҳар бўлимининг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланганмиз.

Дарҳақиқат, ширкат томонидан болажонларнинг соғлом бўлиб ўсишлари йўлида ҳам кенг кўламдаги ишлар олиб борилябти. Хусусан, ҳудудда битта болалар ўйин майдончаси фаолият кўрсатаётган бўлса, ҳозирда фаоллар саъй-ҳаракати билан ширкатнинг ўз маблағлари ҳисобига учта кўп қаватли уйнинг ўртасига яна бир шундай майдонча бунёд этилмоқда. Болажонларнинг мазза қилиб ҳордиқ чиқаришлари мумкин бўлган ушбу майдондан арғимчоқлар, сирпанчиқлар, ҳар хил ҳайвонларнинг ҳайкалчалари, эртаклардаги образлар ва бошқа қулайликлар ўрин олган.

Ўйлаймизки, тез орада янги ўйин майдончасида ҳам болажонларнинг шўх-шодон кулгулари янграйди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: «Янги Қатортол коммуналчи» ширкатига қарашли уйлар ҳудуди мана шундай гўзал ва ораста; ширкат раҳбарияти ҳар бир ишни батафсил муҳокамадан ўтказган ҳолда бошлайди.

Алексей Попов олган суратлар

Маънавият

ЯНГИЧА ТАЛҚИН

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА КЎПЛАБ ТАДҚИҚОТЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ ВА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. БУНДАЙ ЙИРИК ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИДА ҚАТОР ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАРИ БОСМАГА ТАЙЁРЛАНДИ.

«Фан» нашриёти томонидан яқинда тақдим этилган «Янги ўзбек адабиёти» ўқув қўлланмаси ҳам мухлисларга яхши совға бўлди. Унда ўзбек адабиётининг бугунги ютуғи кўзга кўринган сўз санъаткорлари ижоди мисолида кўрсатиб берилди. Ойбек, Чўлпон, Ғафур Ғулом каби забардаст адиб ва шоирлар ижодига янгича муносабатда ёндашилди.

Ушбу нашрдан муҳим ўқув адабиёти сифатида кенг фойдаланилмоқда.

ПЕДАГОГЛАР УЧУН ЛУҒАТ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИЗЛАНИШЛАРИ БИЛАН «ПЕДАГОГИКА ФАНИДАН ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ» БОСМАГА ТАЙЁРЛАНГАН ЭДИ.

Яқинда кўп нусхада чоп этилган мазкур янги нашр тарихий манбалар асосида тўпланган сўз ва иборалар мажмуасидан ташкил топган.

Халқ оғзаки ижоди, халқ педагогикасига оид маълумотлар ҳам ўзининг луғавий ифодасини топди. Уни тайёрлаш жараёнида Абдулла Авлоний, Беҳбудий, Фитрат каби маърифатпарварларнинг педагогик қарашлари билан боғлиқ атамалар атрофлича таҳлил этилди.

Янги луғат талаба-ёшлар учун ўқув қўлланмаси бўлиб хизмат қилади.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

«ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ» НАШРИЁТИНИНГ НАВБАТДАГИ ТЎПЛАМИ «ИҚТИСОДИЁТДА МАТЕМАТИКА» ДЕБ НОМЛАНДИ.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсияси билан чоп этилган бу нашрда олий математика иқтисодий асосларининг муҳим жиҳатлари кенг ёритилган.

Ўқув қўлланмада изоҳ талаб этадиган сўз ва иборалар луғати ҳам бор.

Алоқа

ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИЛДИ

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ИТТИФОҚИ ВА АЛОҚА СОҲАСИДАГИ ҲУДУДИЙ ҲАМДЎСТЛИКНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТОШКЕНТДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ АНЖУМАН «СИМСИЗ ТИЗИМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ТЕХНИК ВА ИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ» ДЕГАН МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ.

Ушбу халқаро анжуманда соҳага доир янги технологияларни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида жорий этиш юзасидан ўзаро тажрибалар алмашинилди.

Ўзбекистонда мазкур йўналишда амалга оширилаётган изланишлар самараси ҳам яхши баҳоланди. «Маълумотлар узатиш бўйича симсиз тармоқлардан фойдаланишни тартибга солишнинг ҳуқуқий масалалари» деган мавзуда ҳам маъруза тингланди.

ИШ СИФАТИ ОШИРИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИДА «ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИНИНГ ИШ СИФАТИ» БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШ УЮШТИРИЛДИ.

Унда агентликнинг ҳудудий бошқармалари, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси, «Радиоалоқа, радиолаштириш ва телевидение маркази»да амалга оширилаётган техникавий тадбирлар сифати бўйича эришилаётган ютуқлар ҳам сарҳисоб қилинди. Бирламчи ва иккиламчи телекоммуникация, телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини тарқатиш тармоқларида қилинган ишларга ҳам баҳо берилди. Шунингдек, телекоммуникация хизмати сифатини янада яхшилаш режалари белгилаб олинди.

ХОДИМЛАР СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАБ

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИДА ХОДИМЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДА ҲАМ ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИЛМОҚДА.

Алоқачиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳам режали асосда амалга оширилмоқда. Бундай тиббий жараёнларнинг сифатли бўлишини таъминлаш мақсадида турли аппаратлар харид қилинди.

Бунинг учун эса 5 миллион 612 минг сўмлик маблағ ажратилди.

Даволаниши зарур бўлганларга 100 дан ортиқ йўлланма берилди.

Акбар АЛИЕВ

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР
МУҲАММАД ЮСУФ РОЖИЙ ХОРАЗМИЙ

Оқил эрсанг, коминг истарда
аён этма шитоб,
Ҳар бино кечрак бўлур эрса,
бўлур бунёдлиғ.

* * *

Бир ёри мувофиқ санга
Ҳақ айласа рўзи,
Бўлма анга ҳар ҳол ила
зинҳор мухолиф.

* * *

Эр эрсанг пеша қилғил
базлу эҳсон суфрасин ёймоқ,
Не ҳожат юз фасоҳат бирла айлаб
кибр қўйсаймоқ.

Очиғ сўзлар демакдин талхком
этма халойиқни,
Очиб чеҳранг, чучук
айла каломинг ўйлаким қаймоқ.

Кими кўрсанг тавозеъ
айлагил расми адаб бирла,
Кишиликдинмудур
дойим такаббур бирла қойқаймоқ.

Кичикроқ тут ичу тошингда
барча халкдин ўзни,
Мурод эрса санго гар
олам аҳли ичра улғаймоқ.

Қаноат пеша айлаб,
эл аро бўлғил қизил юзлук,
Тамаъ бирла недур ҳар
сифла даргоҳида сарғаймоқ.

Қўлунгдин келмас ишни
айлагум деб олмағил тилга,
Басе, номардликдур эр
кишига аҳдидин тонмоқ.

Кел, эй Рожий, эшит панд
элдин, аммо демагил элга,
Нолойиқдур ўзинг қилмас
ишингни ўзгага айтмоқ.

* * *

Хаёл айлар эдимким,
бир мангодур даҳр ташвиши,
Эмиш боқсам ҳама бу
ранж ила бетоб, мен ғофил.

* * *

Жаҳон аҳли мизожин
чун тафаҳҳус айладим билдим,
Бор эрмишлар ҳама
машғули хўрду хоб, мен ғофил.

* * *

Неча соф ўлса, кўзгу
эмин эрмасдур кудуратдин,
Сафодин урма дам
зинҳор бор деб табъи огоҳим.

* * *

Бўлма бу мулки жаҳон
ҳирсиға кўп вобаста,
Боғлағил Каъбайи
мақсад талабиға эҳром.

* * *

Илику тил била еткурма бировга озор,
Будурур шевайи инсоф, тариқи ислом.

* * *

Хор бўлмай десанг, эт
олам аро тарки тамаъ,
Беқаноат киши иззат
била топмас икром.

* * *

Ким этса тарки олам, олам ичра,
Они фаҳм этса бўлғай фарди олам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Спорт янгиликлари

«БУНЁДКОР» ҚАЧОН ЮТАДИ?

2009 ЙИЛГИ МАВСУМДА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНЛИГИ ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ БОШ СОВРИНИ УЧУН КУРАШИШИ КУТИЛАЁТГАН ТОШКЕНТНИНГ «БУНЁДКОР» ЖАМОАСИ КЕТМА-КЕТ ИККИНЧИ ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИДА ДУРАНГ ЎЙНАДИ.

Иккинчи хорижий ўқув-машғулот йиғинини Бирлашган Араб Амирликларида ўтказаётган тошкентликлар Дубайдаги ўртоқлик учрашувида Болгария чемпионатида кучли учликдан жой олган «Литекс» жамоаси билан куч синашди. «Бунёдкор»нинг тўққиз нафар асосий таркиб вакили Ўзбекистон миллий терма жамоасига жалб қилингани боис жамоа мураббийлари болгарияликларга қарши ўтказилган учрашувда асосан заҳира ўйинчилари ва легионерларни синаб кўришди.

Мазкур ўртоқлик учрашуви ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг устунлигида ўтган бўлса-да, ўйинда ҳисоб очилмади.

Эслатиб ўтамиз, «Бунёдкор» жамоаси аввалги ўқув-машғулот йиғинини Испанияда ташкил этиб, мазкур мамлакат чемпионати пешқадами «Барселона»га қарши ўтказилган учрашувда ҳам 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган эди.

ШАХМАТЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

РЕСПУБЛИКА ШАХМАТ-ШАШКА КЛУБИДА 10 ВА 16 ЁШЛИ ШАХМАТЧИЛАР ЎРТАСИДА ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИ БЕЛЛАШУВЛАРИ БОШЛАНДИ.

16 ёшли ўғил болалар баҳсида совринли ўринлар учун асосан Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти вакиллари курашмоқда. Иккинчи тур натижаларига кўра, Тошкент вилояти вакили Алишер Бекмуродовни енгган Жаҳонгир Воҳидов (Самарқанд) биринчи ўринга кўтарилиб олди. Пойтахт вакилларидан Ойбек Муслимов ўз ҳамшаҳри Сардор Исроиловни, Элбек Алиқулов эса бухоролик Қосим Алиевни енгиб, иккитадан очко билан кучли учликда бормоқда.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса фақатгина тўрт нафар иштирокчи очко йўқотмади. Улар орасида анча таниқли шахматчи — сирдарёлик Сарвиноз Қурбонбоева етакчилик қилмоқда. Истеъдодли спортчи иккинчи партияда мезбонлар вакиласи Наталья Кимни мағлубиятга учратди. Дастлабки тўрт поғонани эгаллаб турган шахматчилардан фарғоналик Нодира Парпиева Тошкент вилояти шахматчиси Зайнаб Турумбековадан, тошкентлик Екатерина Пак ўз ҳамшаҳри Наргиза Абдураҳмоновадан, навоийлик Гулзода Тўраева фарғоналик Маҳлиё Меликўзиевадан устун келди.

10 ёшгача бўлган шахматчилар баҳсида ўтган йилги чемпион — Ортиқ Неъматов ишончли ўйин кўрсатяпти. Пойтахт шарафини ҳимоя қилаётган О.Неъматов иккинчи турда асосий рақобатчиларидан Вазирбек Асадуллаевни (Сурхондарё) мот килди. Шунингдек, Темур Игонин, Саидакбар Сайдалиев, Фотиҳ Абдуҳолиқов, Искандар Алимов, Зуҳриддин Шукуров, Азиз Абдуллаев, Сарвар Олимжонов каби пойтахтлик спортчилар кетма-кет ғалаба қозонишда давом этмоқда.

Қизлар ўртасидаги беллашувларда эса етти нафар шахматчи ғолиблик учун даъвогарлик қилмоқда. Тошкентлик Комила Собирова иккинчи турда самарқандлик Юлдуз Рамазоновани мот қилиб, пешқадамга айланди. Сурхондарё вилояти вакили Зарина Бўрибоева ҳам Самарқанд шарафини ҳимоя қилаётган Зебо Усмоновани енгиб, иккинчи ўринда бормоқда. Қорақалпоғистон Республикаси шахматчиси Бибисора Қосимбекова пойтахтлик Светлана Чайкина устидан қозонилган ғалабадан сўнг кучли учликка қўшилди.

БУГАЛО МОҲИР ДАРВОЗАБОНЛАР САФИДА

ХАЛҚАРО ФУТБОЛ ТАРИХИ ВА СТАТИСТИКАСИ ФЕДЕРАЦИЯСИ /IFFHS/ ДУНЁНИНГ БАРЧА ДАВРЛАРДАГИ ЭНГ ЯХШИ ДАРВОЗАБОНЛАРИ РЕЙТИНГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ. УНГА 1888 ЙИЛДАН 2008 ЙИЛНИНГ 31 ДЕКАБРИГАЧА БАРЧА МАМЛАКАТЛАР МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТЛАРИДА 660 ДАҚИҚАДАН ЗИЁД ВАҚТ МОБАЙНИДА ЎЗ ДАРВОЗАСИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАН ДАРВОЗАБОНЛАР КИРИТИЛДИ.

2008 йилги футбол мавсуми натижаларига кўра, Халқаро ташкилот мутахассислари томонидан мазкур рейтингга яна икки нафар дарвозабоннинг номи киритилди. Улардан бири ўзбекистонлик Павел Бугалодир. Ўтган йилги миллий чемпионатимизда Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси дарвозасини ишончли қўриқлаган П.Бугало 679 дақиқа давомида гол ўтказмаган. Мана шу натижа унинг энг моҳир посбонлар қаторидан жой олишига кифоя қилди.

IFFHS рейтингидан жой олган ўзбекистонлик дарвозабонлар орасида бир неча йилдан буён Игнатий Нестеров пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Тошкентнинг "Пахтакор" клуби посбони И.Нестеровнинг номи рўйхатда икки маротаба кўрсатилди. Моҳир дарвозабонимиз миллий чемпионатимизнинг 2005-2006 йилги мавсумларида жами 822 дақиқа мобайнида гол ўтказмаган. Бу натижа ҳамюртимизга рейтингда 125-қатордан жой олиш имконини берди. Шунингдек, "Пахтакор" посбони 2002-2003 йиллардаги чемпионат баҳсларида ҳам 675 дақиқа давомида жамоаси дарвозасини мустаҳкам қўриқлаган.

Яқин ўтмишдаги дарвозабонларимиздан Александр Тинянов эса 1995 йилги чемпионат давомида Бухоронинг "Нурафшон" жамоаси дарвозасини 727 дақиқа дахлсиз сақлаб турган. Бу натижага кўра, Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси мутахассислари ҳамюртимиз кўрсаткичини рўйхатнинг 246-қаторига ёзиб қўйишди.

Умуман олганда, дунёнинг энг моҳир дарвозабонлари томонидан қайд этилган 414 та кўрсаткични ўз ичига олган рейтингда бразилиялик Жераldo Перейра де Матос Филхо пешқадамлик қилмоқда. У 1977 йилдан 1978 йилгача "Васко да Гама" жамоаси дарвозасини 1816 дақиқа давомида дахлсиз қўриқлаган. Кучли учликдан мисрлик Табет Ал-Батал (1442 дақиқа) ҳамда бельгиялик Дани Верлинден (1390 дақиқа) каби таниқли посбонлар ҳам жой олган.

КУЧЛАР ТЕНГ КЕЛДИ

НИДЕРЛАНДИЯНИНГ ВЕЙК-АН-ЗЕЕ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ШАХМАТ ФЕСТИВАЛИНИНГ «В» ГУРУҲИДА ЎН ТЎРТ НАФАР ГРОССМЕЙСТЕР ЎЗАРО БЕЛЛАШМОҚДА.

Мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Рустам Қосимжонов саккизинчи турни мезбонлар вакили Ян Верлега қарши ўтказди. Ўзбекистонлик шахматчининг ҳужумлари билан бошланган партияда кучлар тенг келди. Навбатдаги дурангдан сўнг Р.Қосимжонов тўрт ярим очко тўпладди.

Саккизинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: Франциско Вальехо Понс (Испания) — Фабиано Каруана (Италия) 1:0, Йи Фан Хоу(Хитой) — Давид Навара (Чехия) 0,5:0,5, Ирвин Айами (Нидерландия) —Захар Ефименко (Украина) 1:0, Кришна Шашикиран (Ҳиндистон) — Александр Мотилев (Россия) 0,5:0,5, Энрике Мекинг (Бразилия) — Дмитрий Рейндерман (Нидерландия) 0,5:0,5, Андрей Волокитин (Украина) — Найжел Шорт (Англия) 0,5:0,5.

Рустам Қосимжонов тўққизинчи турда А.Волокитинга қарши қора доналарда ўйнайди.

Мусобақа ғолиб ва совриндорлари 1 февраль куни аниқланади.

Боҳир БЕК

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2008 ЙИЛ 26 ДЕКАБРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ТИББИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ МУНТАЗАМ ОШИРИШ, МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗ МЕНТАЛИТЕТИГА ЁТ САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ БЎЛАЁТИР.

ЁШЛАР ВА САЛОМАТЛИК

Тошкент давлат маданият институтида бўлиб ўтган "Соғлом турмуш тарзи – саломатлик гарови" мавзуидаги учрашувда ана шу ҳақда гап борди. Республика саломатлик ва тиббий статистика институти билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда профессор-ўқитувчилар, талабалар ва шифокорлар иштирок этди.

Тадбирда навқирон авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ёшларимизни зарарли иллатлар таъсиридан асраш, йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш, уларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Анжуманда шифокорлар талабаларга хасталикларнинг олдини олиш, юқумли касалликлар, хусусан, гиёҳвандлик ва ОИТСнинг аянчли оқибатлари хусусида сўзлаб бериб, уларни соғлом турмуш тарзига амал қилишга даъват этдилар.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Машҳур рус режиссёри, актёр ва ёзувчи Василий Шукшин ўз юрти Олтойдан Москвага келиб, Бутуниттифоқ кинематография институтига имтиҳон топшираётган эди. Ётоқхонада жой бўлмагани учун ноилож тунаш учун дарё соҳилига бориб, шу ердаги бир ўриндиққа чўзилади. Энди кўзи илинай деганда уни баланд бўйли, қотмадан келган, қўлида таёғи бўлган бир одам туртиб уйғотади. Шукшин уни қоровул бўлса керак деб ўйлаб, қўрқиб кетади.

— Нега бу ерда ухлаяпсан? — деб сўрайди ҳалиги одам.

— Ётадиган жойим йўқ, — жавоб қилади Шукшин.

— Юр бизникига, ўша ерда ухлайсан,- дейди нотаниш одам.

У Шукшинни уйига бошлаб келади, меҳмон қилади ва туни билан суҳбатлашиб чиқади.

Шукшин институтда ўқий бошлаганда кимдир узоқдан унга машҳур режиссёр Иван Пырьевни кўрсатади. Шукшин шунда уйида тунаган ўша одамни танийди.

Орадан кўп йиллар ўтганда бир куни Шукшин ўзаро гурунгда Пырьевдан сўраб қолади:

— Уйингизда тунаганимни эслайсизми, Иван Александрович?

— Эсолмайман, — дея жавоб қилади Пырьев. — Менинг уйимда кўп одамлар тунаган.

Х Х Х

Овозсиз кинонинг машҳур актёри, америкалик Лон Чаней бошқаларнинг қиёфасига киришга уста эди.

Кунлардан бир куни Чарли Чаплин у билан айланиб юрганда йўл четидаги катта қўғизни кўриб қолади.

— Эҳтиёт бўлинг,— дейди Чаплин,— уни босиб олманг! Эҳтимол у қўғиз қиёфасига кириб олган Лон Чанейдир.

Х Х Х

Чарли Чаплин меҳмонхонадан чиқаётиб эшик оғасига йигирма франк чойчақа беради. У эса норози бўлиб минғирлайди:

— Ўтган гал сизнинг саломатлигингиз учун ичиб қўйишимни сўраб қирқ франк берувдингиз.

— Бу гал ўзимни анча яхши ҳис қиляпман, — дея жавоб қилади артист.

Х Х Х

Америкалик комик артист Фатти Арбэкль ўтган асрнинг 20-йилларида анча машҳур бўлган. Дўстлари уни анча совуққон, беғам одам деб ҳисоблашарди. Бир куни мюзик-холл директори артистдан томошабинлар ҳузурида чиқиш қилишни илтимос қилади. Фатти рози бўлади, аммо хизмат ҳақини «Мени бутун Америка танийди» дея анча оширворади.

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади

«02» ХАБАРЛАРИ

● М.Улуғбек туманида жиноят иши билан илгари ушланган, 1988 йилда туғилган, ишламайдиган, Қизилсув кўчасида яшовчи Марат Ҳ. ва унинг жиноий шериги— 1989 йилда туғилган, ишламайдиган, бухоролик Жамол Р. билан тергов жараёнида 2008 йилнинг июнь ойида, Сайрам кўчаси, 96^ уйнинг олдида, 1976 йилда туғилган ишламайдиган, шу кўчада яшовчи Динара К.нинг орқа томонидан келиб, бўйнидан бўғиб, унга нисбатан жисмоний куч ишлатиб, ёнидаги 239.000 сўмлик «Нокия-6230» уяли телефон аппаратини, 125.000 сўмлик «Самсунг-SHCC260» уяли телефон аппаратини, 2.530.000 сўм сариқ металлдан ясалган сирғасини ва уйининг калитларини тортиб олиб, қочиб кетишган.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 164-модда, 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

* * *

● Чилонзор туманида 1964 йилда туғилган, ишламайдиган, муқаддам судланган, Наққошлик кўчасида яшовчи Константин В. ва 1988 йилда туғилган ишламайдиган, Чилонзор туманида яшовчи Темур Т.1961 йилда туғилган ишламайдиган, шу туманда яшовчи Александр Х.нинг уйида меҳмонда бўла туриб, уй эгасининг ухлаб қолганлигидан фойдаланиб, 780.000 сўмлик гиламини, «8G» телевизори, шубаси, курткаси ва кўйлагини ўғирлаб кетаётган вақтида, шу ҳудудда хизмат олиб бораётган пост-патруль хизмати ва профилактика инспектори томонидан ушланди.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 169-модда 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бахтиёр ҲОШИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази катта инспектори, майор

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. 2009 йил 10 март куни соат 11:00да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг 16.01.2006 йилдаги 4/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Миробод тумани, 3-проезд, Янги замон кўчаси, 3-уйда жойлашган, 1-хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 15 400 000 сўм.

Шунингдек, 2009 йил 24 февраль куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Тошкент вилояти судининг 15.10.2007 йилдаги 2-152-07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Чилонзор тумани 3-мавзе, МЧЖ "Шахстранс Хизмат" 80-сонли автомашиналарни сақлаш жойида сақланаётган, "Мерседес-Бенц Н -200" русумли, д/р 30R1110 бўлган, 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 49 680 000 сўм.

II. Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, **1.** ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 11.03.2008 йилдаги 1-975-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси 11-масканида сақланаётган, «Кадиллак» русумли, д/р сиз бўлган, 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 7 000 000 сўм. **2.** ФИБ Учтепа туманлараро судининг 18.02.2008 йилдаги 1-983/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган, "Mitsubishi 3000GT" русумли, д/р 10H0933 бўлган, 1993 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 28 000 000 сўм. **3.** ФИБ Учтепа туманлараро судининг 13.12.2007 йилдаги 1-22521/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг 11-масканида сақланаётган, "Jeep Land Rover" русумли, д/р йўқ, 1992 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 42 000 000 сўм. **4.** ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 08.11.2007 йилдаги ЖСК-1-583/07-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Эркин жарима майдончасида сақланаётган, "БМВ" русумли, д/р йўқ, и/ч йили номаълум автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 7 000 000 сўм.

III. Шунингдек, 2009 йил 17 февраль куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан такроран, ЖИБ Учтепа туман судининг 30.04.2008 йилдаги 1-203/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Халқ Йўли кўчаси, 20-уйда сақланаётган, "КАМАЗ-5320" русумли, д/р 10AR388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 14 550 000 сўм.

Мазкур кўчмас мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» С.Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Ўразбоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«Тошкент оқшоми»
газетасига олий маълумотга эга бўлган малакали мусаҳҳиҳ (корректор) керак.
Талабгорларнинг 233-57-02, 233-29-33 телефонларига қўнғироқ қилишларини сўраймиз.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 07.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4554 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 6

Топширилган вақти: 13.25